

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Хуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси бошлиғининг  
ўринбосари

адлия катта маслаҳатчиси

Д.Л.Турахонов

2024 йил “\_”

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ИНСТИТУЛARIНИНГ КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўқув курсининг

ДАСТУРИ

Ўқув курси: нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти  
институтлари вакиллари учун

Тошкент – 2024

Коррупцияга қарши курашиш  
илемий-таълим маркази  
йиғилишида муҳокама этилди

2024 йил “25” ноябрь

**Тузувчи:**

**Борсиева Замират Ҳасанбековна**  
Коррупцияга қарши курашиш илемий-таълим маркази катта прокурори

**Такризчилар:**

**Юлдашева Гавхержан**  
ТДЮУ Халқаро хуқуқ ва инсон хуқуқлари кафедраси профессори, ю.ф.д.

**Ахмедов Абдулатиф Машрапович**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси прокурорлик  
фаолияти ва прокурор назорати кафедраси катта ўқитувчиси, адлия кичик  
маслаҳатчиси

## Кириш

Ушбу курсда фуқаролик жамиятининг, жумладан, алоҳида фуқаролар, фуқаролик жамияти ташкилотлари (ФЖТ) ва оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) коррупцияга қарши курашдаги иштироки кўриб чиқилади. Модулда сиёсий ҳаётда иштирок этиш, коррупция ҳақида хабар бериш каналлари, журналистик суриштирувлар, матбуот эркинлиги антикоррупцион фаолият контекстида, интернетдаги фаолият, ижтимоий тармоқлар, ахборот технологиялари ва фуқаролик журналистикасининг ривожланиши масалалари таҳлил қилинади.

Курсда транспарентликни ошириш, хисобдорлик ва фуқаролик мониторинги, иштирок ва жалб этиш коррупцияни камайтириш ва олдини олишга ёрдам бериши мумкинлиги назарда тутилади. Фуқароларнинг, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва ОАВнинг ролини кўриб чиқиши орқали, модул жамиятнинг ижтимоий масъулиятини ошириш йўлларига эътибор қаратади.

### I. Ўқув курснинг мақсад ва вазифалари.

Ўқув курснинг **мақсади** – коррупцияга қарши курашишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришдир. Шунингдек, курс фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашдаги ролини мустаҳкамлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларини тарғиб қилишга қаратилган.

Мазкур мақсадга қуйидаги **вазифаларни** ҳал этиш орқали эришилади:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро муносабатларнинг самарали механизмларини яратиш.
- коррупциянинг олдини олишда жамоатчилик назоратини ташкил этиш усулларини ўзлаштириш.
- ҳукумат, ҳусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасида муроқот ва ҳамкорликни таъминлаш.
- коррупцияга қарши миллий стратегия ва дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш учун зарур билимларни шакллантириш.
- коррупцияга қарши жамиятда муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш.
- ахлоқ кодекслари ва стандартларини жорий этиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш.
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда мониторинг ва таҳлил ишларини ташкил этиш.

- коррупцияга қарши маърифий тадбирлар ва ахборот-тарғибот кампанияларини ташкил қилиш.
- оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг антикоррупцион фаолиятини ёритиш.
- Барқарор ривожланиш мақсадларининг (хусусан, тинчлик ва инклузив жамиятларни тарғиб қилишга қаратилган 16-модда) коррупцияга қарши чоралар билан боғлиқлигини тушунтириш.
- Коррупциянинг олдини олиш орқали барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш.

### **Тингловчи томонидан ўқув курсини ўзлаштиришидан кутилаётган натижалар.**

Ўқув курсни ўзлаштириш орқали тингловчи қуидаги билимларга ва кўнималарга эга бўлиши лозим:

Коррупция тушунчасини, унинг асосий шакллари ва кўринишларини тушуниш.

Коррупциянинг жамиятга, иқтисодиётга ва давлат бошқарувига салбий таъсирини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий принципларини ўзлаштириш.

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва ундаги халқаро стандартларни тушуниш.

Коррупцияга қарши профилактика бўйича замонавий усулларни қўллаш кўнимасига эга бўлиш.

Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасида ҳамкорлик механизmlарини амалда қўллаш.

Коррупцияга оид жиноятчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни тушуниш ва баҳолаш.

Жамиятнинг коррупцияга қарши муносабатини шакллантириш бўйича ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ўтказиш.

Коррупцияга қарши кураш бўйича давлат органлари фаолиятини жамоатчилик назорати воситалари орқали мониторинг қилиш.

Оммавий ахборот воситалари билан самарали ишлаш кўнималарига эга бўлиш.

Коррупциянинг олдини олиш учун самарали таълим дастурлари ва хабардорлик кампанияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ахлоқ кодекслари ва мансабдор шахслар учун стандартлар билан ишлаш.

Коррупцияга тоқат қилмаслик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш.

Коррупцияга қарши курашда илфор тажрибаларни қўллаш.

Бу натижалар тингловчиларга коррупцияга қарши самарали курашиш учун зарур бўлган назарий билимлар, амалий кўникумлар ва маънавий қадриятларни шакллантириш имконини беради.

### **Ўқитишида фойдаланиладиган замонавий педагогик ва ахборот технологиялари.**

Ўқув курси доирасидаги машғулотлар - назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Маъзуза давомида ўқитувчи томонидан ўқув дастурида белгиланган мавзулар кўргазмали слайд материалларидан фойдаланган ҳолда маъзуза шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёни қўйидагилар ҳисобга олинган ҳолда ташкиллаштирилади: танқидий ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишининг интерактив методларидан, шунингдек замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб тингловчиларнинг мустақил фикрлаш маҳоратларини ошириб бориш;

ўқув машғулотлари мавзуси доирасида хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш борасида фикрлар алмашинувини йўлга қўйиш.

Ўқитиши жараёнида таълимнинг ақлий хужум, муаммоли вазият, кейс-стади, кластер, тадқиқот, бошқаларни ўқитиши орқали ўрганиш каби замонавий методларидан фойдаланилади.

Машғулотларда қўйидаги воситалардан фойдаланилади:

ўқув-услубий воситалар – презентация, меъёрий ҳужжатлар, тест ва сўровномалар, вазифа ва топшириқлар, ахборот ресурсларига доир маълумот ва бошқалар.

Дистанцион курс proacademy.uz виртуал таълим платформасида ўтказилади, у ерда ўқитувчилар ва тингловчилар учун масофавий қўллаб-куватлаш тизими ташкил этилган. Платформа замонавий технологияларга асосланган бўлиб, билим олиш жараёнини самарали, интерактив ва қулай қилишга йўналтирилган. Курс материаллари, онлайн машғулотлар ва маслаҳатлар тингловчилар учун куну тун очиқ бўлади. Бу таълим олувчиларга ўз вақти ва имкониятларига мос равишда ўқиш имкониятини тақдим этади

## **II. Ўқув курсининг ўқув-тематик режаси**

№	Мавзулар	Off-line (асинхрон)	On-line (синхрон)	Оралиқ назорат	Жами соат	Назорат шакли (Assessment)
<b>Масофавий курс</b>						
1.	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари коррупциянинг олдини олиш		4		4	Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар

	борасидаги ҳамкорлик технологиялари					
2.	Олдини олиш чоралари ва БМТ коррупцияга қарши Конвенциясининг II бобини амалга оширилишда иштирок этиш		4		4	Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар
3.	Норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан антикоррупцион экспертизаси		4		4	Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар
4.	Коррупцияга қарши суриштирувни амалга ошириш		4		4	Казус, тест, назорат саволлари, амалий топшириқлар
<b>Жами</b>			<b>16</b>		<b>16</b>	

### **III. Ўқув дастурининг мазмуни**

#### **1-мавзу. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари коррупциянинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик технологиялари**

Фуқаролик жамияти коррупцияга қарши курашда стратегик роли

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки. Фуқаролик жамияти ташкилотлари (ФЖТ) билан шериклик алоқаларини ўрнатиш.

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)даги 16-мақсад.

ФЖТлар коррупцияга қарши ташаббуслар. Коррупцияга қарши оммавий экспертиза. Жамоатчилик назорати субъектлари.

Ўзаро фаолиятни олиб бориш учун ФЖТлар ўзларининг ташкилотлари ичida ёки ташқарисида ишончли шериларни танлашлари мумкин.

#### **2-мавзу. Коррупциянинг олдини олиш чоралари ва БМТ коррупцияга қарши Конвенциясининг II бобини амалга оширилишида иштирок этиши**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий сиёсати. Коррупцияга қарши профилактика сиёсати ва амалиёти. Миллий коррупцияга қарши стратегияларни ишлаб чиқишида иштирок этиш. ФЖТлар жамоатчиликни

хабардор қилиш кампанияларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Ҳалоллик таълим дастурлари. Таълим орқали коррупциянинг олдини олиш. ФЖИ нинг таълим соҳасига кўшган ҳиссаси.

Бундан ташқари, ФЖИ тренинглари коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Одоб-ахлоқ қоидалари. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Коррупцияга қарши Конвенциясининг 8-моддаси давлат функцияларини тўғри бажаришга қаратилган ахлоқ кодексларини ёки стандартларини қўллаш.

### **3-мавзу. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан антикоррупцион экспертизаси**

Антикоррупцион экспертизаси. ФЖИлар қонун лойиҳалари бўйича лойиҳалардан хабардорлиги. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби.

### **4-мавзу. Коррупцияга қарши суриштирувни амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг *Коррупцияга қарши Конвенцияси* 13-моддасида ОАВларнинг коррупцияга қарши қурашишда ҳал қилувчи роли. Коррупцияга қарши давлатлар гурӯҳи (GRECO).

Журналистик суриштирув ўзи нима? “Журналистик суриштирув” атамаси нимани англатади?

## **IV. Ўқув курси бўйича тингловчиларнинг ўзлаштирганлик ўзини-ўзи даражасини баҳолаш мезонлари**

Ўқув натижалари	Баҳолаш мезонлари (балл)			
	1-55	56-70	71-85	86-100
Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари коррупциянинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик технологиялари	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларини таҳлил қилишнинг асосий тамойилларини тушунади, бироқ тизимли камчиликларни тўлиқ аниклашда ва умумлаштириш лойиҳасини тайёрлашда дуч келади. Мавжуд тизимли камчиликларни аниклашда етарли билим ва кўникмаларга эга эмас. Умумлаштириш лойиҳасини тайёрлашга қодир	Ҳамкорлик жараёнларини таҳлил қилишнинг асосий тамойилларини тушунади, бироқ тизимли камчиликларни тўлиқ аниклашда ва умумлаштириш лойиҳасини тайёрлашда дуч келади. Мавжуд тизимли камчиликларни аниклашда умумлаштириш лойиҳасини тайёрлашда дуч келади. Камчиликларни кисман кўрсатиш имкониятига эга	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларини чукур таҳлил кила олади. Тизимли камчиликларни аниклашда умумлаштириш лойиҳасини тузища самарали ечимлар таклиф	Ҳамкорлик жараёнларини таҳлил қилиш, тизимли камчиликларни аниклаш ва уларни бартараф этиш учун инновацион умумлаштириш лойиҳаларини мустақил тайёрлайди. Таъминланган ечимлар асосида ҳамкорлик моделларини самарали жорий

	Эмас		этади	этиш бўйича стратегик таклифлар ишлаб чиқади
Коррупциянинг олдини олиш чоралари ва БМТ коррупцияга карши Конвенциясининг II бобини амалга оширилишда иштирок этиш	БМТ Конвенциясининг II бобига оид тушунчаларни чуқур англамайди. Олдини олиш чораларини ишлаб чиқишида таҳлил этишмаслиги	Конвенциянинг асосий принципларини билиш билан чекланади. Олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш учун умумий ёндошувни кўллайди, бироқ уларнинг самарадорлигини баҳолашда кийинчиликка дуч келади	Конвенциянинг II бобида белгиланган чора-тадбирларни амалда кўллашга кодир. Жамоатчилик назорати ва профилактика тадбирларини ташкил этиш бўйича кўникмаларга эга	Конвенциянинг II боби доирасидаги чора-тадбирларни мустақил равищда ишлаб чиқиши ва амалга ошириш қобилияти мавжуд. Давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг самарави хамкорлигини таъминлашга доир ижодий ечимлар тақлиф киласди
Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан антикоррупцион экспертизаси	Ҳамкорлик технологияларининг асосий тамойилларини тушунмаслик. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш ва мувоғик қарорлар қабул қилишда кийинчиликларга дуч келади	Ҳамкорлик технологияларининг асосий тамойилларини тушунади, аммо уларни тўлиқ жорий этишда хатоликлар қиласди. Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларида асосий механизmlарни кисман кўллайди	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликни самарави ташкил этиш учун етарли билим ва кўникмаларга эга. Ҳамкорлик жараёнларини таҳлил қилиш ва уларга доир тақлифлар тайёрлаш имконияти мавжуд	Ҳамкорлик технологияларини тўлиқ тушунади ва уларни амалиётда мустақил жорий этиш қобилиятига эга. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги самарави ҳамкорликни таъминлашга доир инновацион тақлифларни ривожлантиради
Коррупцияга қарши суриштирувни амалга ошириш	Мавзуга оид масалаларни таҳлил қилиш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини тушуниш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга эмас. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик моделлари бўйича мустақил фикр юритолмайди	Ҳамкорлик технологиялари асосларини тушунади, аммо танқидий фикрлаш ва чуқур таҳлил қилишда кийинчиликка дуч келади. Мавжуд моделларнинг самарадорлигини кисман баҳолай олади	Давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик моделларини таҳлил қилиш ва натижалар бўйича танқидий фикр билдириш қобилиятига эга. Жорий амалиётни яхшилаш бўйича асосланган	Ҳамкорлик технологиялари бўйича чуқур таҳлил ва ижодий танқидий фикр юритиш қобилияти мавжуд. Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлигини оширишга доир инновацион тақлифлар тайёрлайди

			хулосаларни тайёрлай олади	ва уларни амалга оширишда етакчи роль ўйнайди
--	--	--	----------------------------	---

## V. Ахборот манбалари рўйхати

### 1. Асосий адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016., 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017., 48 б.
3. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017., 104 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 20.01.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг биринчи йифилишидаги нутқи”, “Халқ сўзи” газетаси, 21.01.2020 йил, №15 (7517).

### 2. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2023
2. “Коррупция қарши кураш тўғрисидаги” 2017 йил 3 январь, №ЎРҚ-419. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2017 й., № 1.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) Тошкент: Адолат, 2014 (2018 йил 4 апрелгача (ЎРҚ-470) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) Тошкент: Адолат 2014 (2017 йил 12 апрелгача (ЎРҚ-428) бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири);
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралидаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги қонуни. № ЎРҚ-682 20.04.2021 йил. Миллий қонунчилик базаси, 20.04.2021 й., № 03/21/682/0354).
8. “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизасини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи. 2021 йил 24-феврал, № 2-мх.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги

Қонуни, 25.09.2014 йилдаги ЎРҚ-376-сон.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги 12.12.2002 йилдаги 439-II-сон.

### **3. Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Миллий маъруза”. Т.2024.  
<https://anticorruption.uz/storage/lt9lqAa1tum639l22ZUi1mhXXKWj4s-metabWlsbGl5IG1hcNv6YV9jb21wcmVzc2VkLnBkZg==.pdf>

2. Ривожланиш йўлидаги фуқаролик жамияти: БМТ Коррупцияга қарши конвенция доирасидаги имкониятлар. Бирлашган миллатлар ташкилоти, 2020 йил декабрь.

3. БМТ ЖГБ (ЮНОДС). Давлат харидлари ва давлат молиявий бошқарувида коррупцияга қарши кўрсатмалар, п.26. ИҲРТ. Давлат харидларида яхлитликни таъминлаш бўйича энг яхши амалиётлар тўплами (2015), п. 29.

4. Ўз ўзини бошқариш бўйича Кўлланма. ОАВ. 2008 й.

5. Reporting on Corruption. A Resource Tool for Governments and Journalists. United Nations Office on Drugs and Crime Vienna. United Nations, January 2014.

### **4. Электрон ресурслари:**

<https://anticorruption.uz/ru>

[www.lex.uz](http://www.lex.uz) – норматив ҳуқуқий ҳужжатлар миллий базаси

[www.oecd.org](http://www.oecd.org) – OECD материаллари

[www.unodc.org](http://www.unodc.org) – БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNCAC) ресурслари